

Жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун

2022 й. «3» 11

116-5-70-МТ/2022-сон

Конимех III.

Конимех туман Мактабгача таълим бўлими келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан мудири Д.Т.Давлатова бир томондан «KANIMEX-BINOKOR-SERVIS» Х/К кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар **Б.Хатамов** иккинчи томондан мазкур лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бўйича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Конимех туман 11-сонли “Фунча” МТТ оқава сув тизимини жорий таъмирлаш ишларини ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи жорий таъмирлаш ишларини ишлаб чиқиш учун топширик бериш, лойиха-смета хужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қўйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;
- лойиха ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириши.

2.3. Тайёр бўлган лойиха-смета амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равища қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (боскичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қуйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 2 нусхада лойиха-смета хужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аникланса, томонлар 5 кун муддат ичida уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 10 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вакти ҳисобланади.

4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси – 97 180 703 (тўқсон етти миллион бир юз саксон минг етти юз уч) сўмни ташкил этади.

4.2. Мазкур обьект бўйича тўлов инвестиция дастури ва кайси маблағлар ҳисобидан аникланниб ва шу бюджет ҳисоб рақами очилгандан кейин, обьектнинг ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тўловни амалга ошира олмайди.

4.4. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30% миқдорида бўнек (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Қуйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиха-смета хужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиха-смета хужжатларидаги камчиликлар аникланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқкан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, конунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечикирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета хужжатларини тайёрлаш ўз вактида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган хужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги хужжатларига мувофиқ белгиланади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни

бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокоралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иктисодий судида кўриб чиқилади.

7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларни тўлиқ бажаргунга қадар амал қиласди.

8. КОРРУАЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

8.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг З-кисм в) бандига мувофик: - ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай киймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк хукуқини таклиф қиласликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

«БҮЮРТМАЧИ»

Конимех туман Мактабгача таълим бўлими

Манзил: Конимех т Дўстлик МФЙ

Тел: 79 512-12-73

X/p : 100022860122117091100251009

Бюджетдан маблаг олувчи СТИРи: 305149893

ИФУТ _____


Ғазначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон

Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ягона ғазна x/b: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент шаҳар Марказий банк
ББХКМ МФО: 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919

Мудир  Д.Т.Давлатова



“KANIMEX-BINOKOR-SERVIS” Х/К

Манзил: _____

Тел. +998942287075

X/p 20208000004759101001

Банк номи: АТБ Агробанк Канимех

МФО:00209 ИНН 301073541

ОКОНХ _____ ОКЭД _____



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

GN7604540080

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Xo‘jalik munosabatlari**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: KONIMEX TUMANI MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI tomonidan 03.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Konimex tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



Z.O.OBLAQULOV

03.11.2022

2022 йил 2-ноябрьдаги
№ 116 -сонли шартномага 1-илова

Бажариладиган ишларнинг календар
РЕЖАСИ

Объектнинг номланиши	Бажариш муддати	
	Бошланиши	Тугаши
Конимех туман 11-сонли МТТ оқава сув тизимини жорий таъмирлаш	01.11.2022й.	11.11.2022й.

«БУЮРТМАЧИ»

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

Конимех туман МТБ

Мудири  Д.Давлатова



«KANIMEX-BINOKOR-SERVIS» X/K
BINOKOR-SERVIS XUSUSIY KORXONASI

Рахбар  Б.Хатамов

2022 йил 02-ноябрьдаги
№ 116 -сонли шартномага 2-илова

Шартнома баҳосининг келишув
БАЁННОМАСИ

Биз қуида имзо қўювчилар: Бажарувчи, «KANIMEX-BINOKOR-SERVIS» X/К Конимех туман Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 11-сонли МТТ оқава сув тизимини жорий таъмирлаш Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишин ўз зиммасига олади.

Ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил 02-ноябрдаги № 116 -сонли шартнома баҳосини 97 180 703 (тўқсон етти миллион бир юз саксон минг етти юз уч) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«БУЮРТМАЧИ»

Конимех туман МТБ

Мудири Давлатова Д.Давлатова



«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«KANIMEX-BINOKOR-SERVIS» X/К

Рахбар Б.Хатамов Б.Хатамов



2022 йил 2-ноябрьдаги
№ 116 - сонли шартномага З-илова

ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ СМЕТАСИ

Лойиха ишларининг номи: Конимех туман Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 11-сонли МТТ оқава сув тизимини жорий таъмирлаш

Буюртмачи: Конимех туман Мактабгача таълим бўлими

Бажарувчи: «KANIMEX-BINOKOR-SERVIS» X/K

Объектнинг номи	Ҳисоблаш	Нархнинг умумий ҳисоби
Конимех туман Мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 11-сонли МТТ асосан бажарувчи «бинони жорий таъмирлаш»	<p>Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Лойиҳа тадқиқот ишларининг қиймати аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 3180-сонли буйруғига асосан объектнинг мураккаблик даражаси 2 тоифага киради.</p> <p>Қурилишнинг тахминий даражаси, мураккаблик даражасига қараб, ўртacha <u> %</u> ни ташкил этади. Ҳисоблаш учун тахминий <u> %</u> қабул қиласиз.</p>	<u> </u> x <u> </u> % <u> </u> = <u> </u>
<u>84504959,13сўм</u> <u>ҚҚСсиз</u>		84 504 959,13
<u>ҚҚС 15%</u>		12 675 743,87
<u>Жами</u>		97 180 703

Нархи сўз билан: 97 180 703 (тўқсон етти миллион бир юз саксон минг етти юз уч) сум ҚҚС билан.

«БЮОРТМАЧИ»

Конимех туман МТБ

Мудири Д.Давлатова



«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«KANIMEX-BINOKOR-SERVIS» X/K

Роҳбар Б.Хатамов

